

Лаббай, Аллоҳим, лаббай!



08:07 / 08.06.2020 6538

Абдуллоҳ ибн Жало айтади: «Зулҳулайфага борганимда ҳаж қилгим келди. Одамлар эҳром боғлаётган экан. Қарасам, бир йигит эҳром боғлашдан олдин ғул қилиб, устидан сув қуяётган экан. Унга қараб турсам, шундай деди: «Роббим, «Лаббайкаллоҳумма, лаббайк» (*Лаббайкаллоҳумма лаббайк*) нинг маъноси «Лаббай,

Аллоҳим! Мана, мен сенинг Байтингга келдим, хизматингга тайёрман, бошқа нарсага чалғимайман» деганидир) дейишни хоҳлайман, лекин «Лаа лаббайка ва лаа саъдайка» (*Бу Сенинг хизматинг ҳам, ёрдаминг ҳам керак эмас дегани*) деб жавоб қилишингдан қўрқаман». У бу сўзларни бир неча бор такрорлади. Мен эса уни эшитиб турардим. Ҳадеб шундай деявергач, унга: «Сен эҳром боғлашинг керак», дедим. У: «Шайхим, «Лаббайкаллоҳумма лаббайк» десам-у, Аллоҳ таоло: «Лаа лаббайка ва лаа саъдайка» деса нима қиламан?» деди. Шунда мен унга: «Аллоҳ таолога яхши гумон қил! Кел, мен билан «Лаббайкаллоҳумма лаббайк» деб қайтар», дедим. У: «Лаббайкаллоҳумма» деб, чўзиб айтаётиб, тилида «Аллоҳумма» деган сўз билан жони узилди-ю, ерга йиқилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан